

Етмиш минг фариштани вакил қилиб қўядиган дуо

17:32 / 12.05.2021 4746

Маъқал ибн Йасор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«**Тонг отганида ким уч марта:**

مِجْرَلًا نَاطِيًّا شَلَا نَمِمْ يَلْعَلْ عِيَّ مَسَّ لِهَلْ لَابُ دُوعًا

«**Аъзу биллаҳис самийъул ъалийм минаш шайтонир рожийм**», деб Ҳашр сурасидан уч оят ўқиса, Аллоҳ таоло унга кеч киргунича саловот айтиб турадиган етмиш минг фариштани вакил қилиб қўяди. Агар вафот этса, шаҳид кетади», дедилар.

Маъноси: Эшитувчи ва билувчи Аллоҳнинг номи ила лаънатланган шайтондан паноҳ тилайман.)

Термизий ва Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилишган.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан